

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI

**“NUTQ MADANIYATI VA O'ZBEK
TILSHUNOSLIGINING DOLZARB MASALALARI”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy

konferensiya materiallari

2021-yil, 21-MAY

VII CHIQISH

Andijon

UO'K: 811.512.133 (154), (161);
811.512.122 (121); 811.161.1; 811.111-26.

“Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari / [Mas‘ul muharrirlar K.Umarov, B.Ahmedov] – Andijon: Andijon davlat universiteti kichik bosmaxonasi, 2021. – 371 bet.

Mas‘ul muharrirlar:

Kamoldin Umarov
Botirjon Axmedov

Ushbu to‘plamda “Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari jamlangan. To‘plamda nutq madaniyati, o‘zbek tili fonetikasi va fonologiyasi, leksikologiyasi, grammatikasining dolzarb muammolari hamda tilshunoslikning an‘anaviy va zamonaviy yo‘nalishlari, lingvistik kompetensiyani shakllantirish muammolari, lingvomadaniyat va lingvoma‘naviyatshunoslik muammolariga bag‘ishlangan maqolalar jamlangan. Konferensiya materiallari filolog mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistratura va bakalavriat talabalari, shuningdek, keng o‘quvchilar ommasiga mo‘ljallangan.

Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflar mas‘uldirlar

6. *Потебня А.А.* Из записок по русской грамматике. Т. I-II. – Москва: Учпедгиз, 1958. – 536 с.
7. История лингвистических учений. Древний мир. / Отв. ред. А.В.Десницкая, С.Д.Кацнельсон. – Ленинград: Наука: Ленинградское отделение, 1980. – 260 с.
8. *Березин Ф.М.* История лингвистических учений. – Москва: Высшая школа, 1984. – 319 с.
9. *Кондрашов Н.А.* История лингвистических учений: учебное пособие. – Москва: Просвещение, 1979. – 224 с.
10. *Усмонов С.* Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – 208 б.
11. *Есперсон О.* Философия грамматики. /Перевод с английского В.В. Пассека и С.П.Сафроновой. – Москва: Издательство иностранной литературы, 1958. – 400 с.
12. *Нурмонов А.* Танланган асарлар. III жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 416 б.
13. *Содиков О., Абдуазизов А., Ирискулов М.* Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 226 б.

ШОИРНИНГ СЎЗ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Сиддикжон МЎМИНОВ,
Фарғона давлат университети профессори
Васила ХАМДАМОВА,
Фарғона давлат университети магистранти

Эркин ВОҲИДОВ номини эшитган ёки қоғозда бу исм фамилияни ўқиган захотимиз “Замонамиз Навоийси” дея эътироф этилган буюк ва бетакрор шоир кўз олдимизда гавдаланади. Аммо асосан шоир сифатияда улкан мерос қолдирган замондошимиз ҳаётининг сўнгги йилларида “Сўз латофати” деб номланган илми-оммабоп рисола ҳам ёздиларки, унда улкан ижодкорнинг оламнинг аввали ва охири бўлган сўз ҳақидаги қарашлари ўзига хос услубда намоён бўлди. Ушбу мақолада “Сўз латофати”да шоирнинг сўз ҳақидаги лингвистик қарашлари қандай намоён бўлганлиги ҳақидаги фикрларни баён қиламиз.

Сўзни эшитамиз, сўзлашни котирамиз, лекин Сўз маъини чақин аксар ҳаёлимизга келмайди [1,8]. Сўзларни қачон ва қасрда ишлатишни ҳам баъзан унутиб қўямиз. Сўзловчилар учун сўзнинг ўрни ва ундаги маъно юки аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бироқ сўз ҳаётининг моҳиятига айланган

ижодкорлар учун унинг қадри беқиёс. Сўз ҳам Олам каби поёнсиз, унинг ҳам тубига етиш имконсиз. Шунга қарамай, истифода қилаётган сўзларимиз маъносини янада теранроқ англасак, оламни ва одамларнинг қалбини чуқурроқ хис қиламиз. Сўз оламига саёҳат қилган Эркин Воҳидов Сўзни тирик жон деб билгани ҳолда Сўз билан сўзлашади, Тил билан тиллашади. Сўз қадрига етган зариф шоир ўз она тилига меҳри ва муҳаббати, миннатдорлигининг ифодаси сифатида “Сўз лаатофати” китобини яратади.

Китобдаги мақолалардан бирида шоир сўзларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги боғлиқликни очишга ҳаракат қилади. Ясашга асос қисм билан ясама сўз ўртасида мазмуний боғлиқлик бўлишини чиройли мисоллар воситасида исботлаб беради. Узумни узмоқдан олинганини айтиб, ўзининг содда кашфиётидан суюнган шоир бунинг исботи сифатида унган нарсани унум, ғуж ўсган мевани ғужум, жамият тузилишини тузум, оғизга солиб ютганимиз ютум, томоқдан қулғ этиб ўтгани қултум бўлишини келтиради. Морфемик жиҳатдан оладиган бўлсак, буларнинг барчаси морфемаларга ажралади: ун/ум, ғуж/ум, туз/ум, ют/ум, қулт/ум. Яъни асос билан ясалма ўртасида мазмуний боғлиқлик мавжуд. Шоир айтганидек, узум тарихан узмоқдан олинган бўлиши мумкин, лекин узум сўзининг ҳозирги кунда морфемаларга ажралмаслигининг сабаби ҳам асос ва ясалма ўртасидаги мазмуний яқинликнинг йўқолишида, дейишимиз мумкин. Лекин биз учун энг муҳими – сўз тарихи, сўз оламига саёҳат.

Курайдиган куралимиз курак, ички аъзо ичак бўлишини айтиб, кўксимизда гурсиллаб урган юракни юрак дейиш тўғрими ёки урак? Юрак юрадими, урадими? Кўкрак-чи? Кўксим осмон, кўкалдош, қозоқларда ака маъносини берувчи кўка сўзларидаги кўкнинг кўкракка алоқаси йўқмикан, деган саволларни кўяди. Юзлаб, миңглаб сўзларимиз замирида бундай жумбоқлар яширинганини, Маҳмуд Кошгарий бобомизнинг “Девону луготит-турк” китоби бу сирларни очишда бизга асосий кўмакчи бўлишини айтади.

“Энг аввалги сўз” мақоласида Халиқ оламнинг Бўл сўзидан бутун борлиқнинг, инсоннинг яратилганини айтади. Олимлар инсониятнинг илк сўзлари товушга таклидан пайдо бўлганини таъкидлаган эдилар. Шундан келиб чиқиб Эркин Воҳидов қадимги ажлодларимизнинг тоғдан шовуллуб тушган сувни шовва, шар-шар тўкилганини шаршара, қушларнинг чурк-чурк қилгани чумчук, лак-лак қилгани лайлак (аслида лаклак), қағишлагани қарга бўлганини келтиради. Чугурчук, ғоз, читгак, чағалай, олашакшак, какку сўзларини ҳам товушга таклид назариясининг илк куртаклари сифатида келтиради.

Тошни тошга уриб, ундан чиққан товушни **чақ** дейилишидап ўсиб чиққан нозик маъно товланишларини кашф этади. **Чакмок, чакни, чакмоқтош** сўзлари ҳам тошдан ўт чиқаришга боғланади. Тараққиёт туфайли замонавий инсон тош чақишни қўйиб гап чақишга ўтди, гапдан ўт чиқариб, ўз туғишганларининг уйини куйдирди.

Гап чақувчининг оти ҳам узок кетмай чақдан ясалган: **чақимчи, чакмачақар**. Бундан ташқари, шоир **чақимчилик** ва **чақув** ўртасидаги маъно нозиклигини ҳам фарқлайди. **Чакмачақарнинг** ҳам катта-кичиги бўлишини айтади. Бировнинг гапини бировга айтиш, **чақимчилик**, инсоннинг гапини юкорига, подшоликка ёки ҳукуматга етказиш, **чақув** бўлади. “**Чакув** олдида **чакмачақарлик** ҳолва бўлиб колди. Чақимчиликдан бир инсонга озор етса, чақувдан юз мингларнинг ёстиғи қуриган” [1,19].

Сухбатнинг ширини ғийбат, ғийбат ҳам чақув, бировни бировга эмас, бировни ҳаммага чақувдир. Бундай ширин сухбатни **чакчаклашув** деймиз. Демак, **чақ** сўзи тошни чақишдан сўз маъзини чақишгача бўлган масофани босиб ўтибди.

Шоир “Кўмирга айланган умр” мақоласида халқ мақоллари, маталлари бежиз хикматли сўз деб аталмаслиги, уларда бир хикмат борки, улар асрлар оша оғиздан оғизга ўтиб яшаб келишини айтади, лекин баъзи мақолларимизда сўзлар тушиб қолиб, ундаги хикмат йўқолишини мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилади. Мисол учун, “**Гап кўп, кўмир оз**” иборасида шоир ҳеч қандай чуқур маъно кўрмайди. Шоир наздида, бу иборанинг асли “**Гап кўп-ку, умр оз**” бўлган, -ку юкламасининг кейинги сўзга қўшилиб кетиши натижасида **умр кўмирга** айланган. “Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади” [1,25].

Тил ҳаминша қисқаликка интилади. Талаффузда қулай бўлиши учун сўзларни, ҳатто гапларни ҳам қисқртиришга устамиз. Лекин шоир чуқур фикрламасдан тўғри келган гапларни айтиш, ўзимизга осон бўлиши учун сўзнинг ярмини ютиш, исмлар, жой номларини таниб бўлмас даражада қискартириш тилга нисбатан беҳурматликдан бошқа нарса эмаслигини айтади. **Кўзингни оч, оёқ остингга қара** деган гапни қисқача қилиб, **кўзингга қара** деб қўя қоламиз. **Душманин яқсон қиламиз** деган гап ҳам аслида қискартириш натижасида юзага келган мантиксизликдир. **Яқсон баробар, тенг** маъноларни беради. **Душманин ер билан яқсон қиламиз** дейиш тўғри бўлади. Яъни душман ер билан баробар, тенг қилинади.

Шоир айтишича, **мардона, дўстона, ошиқона** сўзларининг асоси **мард, дўст, ошиқ** бўлгани каби **остона** сўзининг ўзаги ҳам **ост** бўлиши мумкин, чунки **остона** остимизда бўлади-ку! Бир қарашда бу гап ишончли ва мантикли.

9. Орипов.А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-2-жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.62.

10. Худойберганова Д. О'zbek lingvomadaniyatshunosligining ustuvor vazifalari // O'zbek tili va adabiyoti. -2020-yil. 5-son. 3-9-betlar.

11. Худойберганова Д. Lingvokulturologiyada madaniy kod tushunchasi va talqini // O'zbek tili va adabiyoti. -2019-yil. 3-son. 15-18-betlar.

12. Худойберганова Д. Matnning antroposentrik tadqiqi // Toshkent. Fan nashriyoti-2013-yil. 136-b.monografiya.

13. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. Fan - 2006.

14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II томли. 2-том. – Москва: Рус тили, 1981. – Б.307.

15. Shodmonova D. Abdulla Oripov she'riyati tilining lingvopoetik o'rganishga doir tadqiqot // O'zbek tili va adabiyoti. – 2012-yil. 3-son. 10-12-betlar.

MUNDARIJA

NUTQ MADANIYATI MASALALARI			
✓	Мўминов С.М., Мадалинова С.А.	СУҲБАТДОШ МАҚОМИ ВА МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ	4
	Тамойиллари		
	Zakirova H.R., Sodikov M.	TILDA KONDENSATSIYALASH VA UNI YUZAGA KELTIRUVCHI OMILLAR	7
	Tursunova O. A.	ПОЭТИК МАТНДА АНАГРАММАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ	9
	Umarova N.R., Karimjonova M.A.	ALISHER NAVOIY IJODINING TIL VA USLUB XUSUSIYATLARIGA DOIR	11
	Pirnazarova G.A., Jumanazarova G.	ATOQLI OTLAR USLUBIYATI	14
	Ro'ziyev E.O'.	SHARQ NOTIQLIK TARIXIDA SIYOSIY NUTQ VA UNING SHAKLLANISHI	18
	Hurmuhammadova M.	ДИСКУРСНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК МОДЕЛИ	20
	Xajdarova O.	НУТҚ МАДАНИЯТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ	23
	Valiyeva M.	ZULFIYA SHE'RLARINING TIL XUSUSIYATLARI	25
	Mahmudjonov Sh.S.	RASMIY USLUBDAGI NUTQNING XUSUSIYATLARI	29
	Yoqubboyeva Sh.T.	SO'ZLASHUV NUTQIGA XOSLANGAN ERKALOV- KICHRAYTIRUV SO'ZLARI	31
O'ZBEK TILI FONETIKASI VA FONOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI			
	Yunusova Z.U.	ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК ТИЗИМИГА ХОС ПАРАДИГМАТИК НОМУТАНОСИБЛИК ҲАҚИДА	35
	Abdusalomov A.	O'ZBEK TILIDA D1, D2, D3 TIRIDAGI FONOLOGIK	39
	Zakirova H.R.	OPPOZITSIYALAR	
O'ZBEK TILI LEKSIKOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI			
	Tojiev O.	МАҚСУД ШАЙХЗОДА ШЕЪРИЯТИДА РАНГ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРДА МАЗМУНИЙ СИНКРЕТИЗМ	42
	Rahimov U.	СЎЗДАГИ МАЪНО МУНОСАБАТДОРЛИКЛАР ТАДҚИҚИ	45
	Qodirov Z.M.	СЎЗ ТИЛИНИНГ МАРКАЗИЙ БИРЛИГИ СИФАТИДА	53
✓	Мўминов С. Хамдамова В.	ШОИРНИНГ СЎЗ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	59
	Churaeva S.B.	ИСТИФОДАИ ИБОРАҲОИ РЕХТА ДАР ТАЪРИХНОМАҲОИ САДАҲОИ X-XIII ВА ВАРИАНТҲОИ ОНҲО ДАР ГЎИШҲОИ МУОСИРИ ТОЛИКЇ	63
	Kabuljonova G.	ТЕРМИНЛАРДА МЕТАФОРИК МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	69